

**«MY INSURANCE» СК МЧЖ Транспорт воситалари эгаларининг
фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш бўйича**

ШАРТНОМА № 51/59/1/0001

Ушбу шартнома ЎзР ВМнинг 2008 йил 24 июнда 141-сонли қарорига мувофиқ
тасдиқланган қоидаларига асосан ишлаб чиқилган.

Ғаллаорол ш.

22 Январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 августда берилган СФ 00250-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи «MY INSURANCE» СК Маъсулияти Чекланган Жамияти, кейинги ўринларда «Сугурталовчи» номидан **Ишоннома № 75 10.01.2022** асосида ҳаракат қилувчи Жиззах вилояти Ғаллаорол филиали директори Жаббаркулов Ж. тимсолида бир тарафдан, АТБ «Агробанк» Ғаллаорол филиали ва кейинги ўринларда, «Сугурта қилдирувчи» низоми асосида ҳаракат қилувчи директор _____ тимсолида иккинчи тарафдан, қуйидаги шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фукаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боглиқ бўлган мулккий манфаатлари мажбурий сугурта объектидир.
1.2. Ушбу шартномага киритилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарорига илова қилинган қоидаларга амал қилинади.

2. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган, сугурта қилдирувчининг сугурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги сугурта қилинган, сугурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ҳодисаси ҳисобланади.

3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ҳодисаси ҳисобланмайди:
3.1.1. Мажбурий сугурта бўйича сугурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;
3.1.2. Маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдовчи давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;
3.1.4. Атроф муҳитнинг ифлосланиши;
3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий сугуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сугурта қилиниши керак бўлса;
3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий сугуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;
3.1.7. Ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўришилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;
3.1.8. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган қорхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;
3.1.9. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсуллари, қимматли қозғалар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
3.1.10. Жабрланувчиларнинг сугурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар.
3.2. 3.1. бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фукаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

4. СУГУРТА СУММАСИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги бўйича сугурта товони ҳар бир транспорт воситаси учун **40 000 000,00** сумдан белгиланади. Улардан:
а) жабрланувчи мол-мулкига етказилган зарар учун - сугурта суммасидан 35 фоизгача;
б) жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун - сугурта суммасидан 65 фоизгача;
4.2. Сугурталанаётган транспорт воситасининг соли 1 (дона).